

РҮЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилек ва ҳуқук-тартибот учун!

№ 96 (2360)

1991 ЙИЛ 10 АВГУСТ

ШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИИИН

ХУШЁРЛИКНИ ОШИРИБ

Бугунги кунда осойишталикни таъминлаш жараёнида анча-мунча муаммолар юзага келган. Бутун мамлакатда бўлгани каби Узбекистонда ҳам бозор муносабатлари бошландио нарх-наво осмон-фалакка кўтарилиди. Лекин тақчиллик сақланиб қолди. Етишмовчилик туғилган жойда қонунбузарликлар гуркираб ўсиши ҳеч кимга сир эмас. Эл-юрт хотиржамлигини муҳофаза этаётган ички ишлар ходимлари esa янги автомашиналар, жиноятчиликка қарши кураш жараёнида аскотадиган аслаҳалар билан етарли даражада таъминланмаган.

Транспорт милициясида бундан ҳам ўтирироқ муаммолар бор. Агар ҳушёрлик озигина бой берилса, бирор йўловчини қон-қақштаган ёки ҳалқ ҳўжалик юкларига кўз олайтирган жиноятчи поездгами, самолётгами ўтириб, бир зумда фойиб бўлиши мумкин.

Авваллари фақат саноат молларига хиёнат қилиш ҳоллари кўп учарди. Эндиликда esa нопок кимсалар камтарликини иғтишириб кўйиб, унми, қандми, ёғми, чойми, нима бўлса ҳам ортмоклашга ўрганишган. Кейинги иккى йил ичидаги ўтирик тўрт ярим баравар ўсиб кетди.

Лекин Ўрта Осиё транспорт милицияси ходимлари жиноятчиликни бу қадар шиддат билан илдамлаб кетишига томошибин бўлиб тургандар ийк. Жорий йилнинг биринчи яримида 583та жиноятни очишига муваффақ бўлдик. Бу кўрсаткини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 66,5 фонз кўп демакдир. Ана шу муваффакиятга Андижон темир йўл бекати, Тошкентдаги «Жанубий» шоҳбекат ва Тошкент қўналаси ички ишлар бўйимлари ходимлари алоҳида ҳисса қўшидилар. Оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, қароқчилик каби жиноятлар транспорт милицияси шахсий таркиби томонидан юз фонз фоиз этилди. Гиёҳвандликка қарши ҳам аёвсиз ў очилди ва 70 килограммдан ортиқ наркотик моддалар тортиб олинди. БХСС хизмати вакиллари esa 233 та чайковчилик ва 89 та талон-тарожчилик ҳаракатларини йўқка чиқардилар.

Шу ўринда бир нечта мисолларни келтириб ўтиш

фойдалироқ бўлса керак. Шу йил 14 февраль куни Ҳамза бекати поезд тузувчи B. Трушин, 6-автокорхона ҳаддовчиси A. Лачугин ва ҳеч қарда ишламайдиган T. Сафаровлар ҳибсга олиндилар. Цистернадан спирт ўғирлашда ушланган бу шахслар авваллари ҳам ўн марта ана шундай жиноятта қўл уришган экан.

23 февраль куни Жума бекатига кириб келган юк поездди вагонларидан бирининг эшиги очиқ эканлиги милиция ходимлари ўтиборини тортди. Текширишлар умумий баҳоси 21 минг 500 сўм бўлган 36 кути магнит кассетаси ва 900 сўмлик бошқа хил моллар ўмарилганини кўрсатди. Жиноят қидириб ходимлари бу ишга етти кун вақт сарфлашди. Оқибатда қўли эзги кимсалар жиноий жавобгарликка тортилди. Да ўғирланган моллар қиймати тўлиқ ундирилди.

8 апрель куни Қўрғонте-па бекатида катта миқдордаги давлат мулки талон-тарож қилингани аниқланди. Умумий баҳоси 4 минг 873 сўм бўлган 73 кути конфет ўғирланганди. Милиция ходимлари бу конфетларнинг бир қисмини бекат худудидан топдилар. Кейин шу жойда тузоқ қўйилди. Шу тариқа жиноятчилик тумшуғидан илинтирилди.

Бир томони қувонарлики, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси (бошлиғи ЎзССЖ ҳалқ ноиби B. Желтоухов) милиция фаолиятини такомиллаштиришга амалий ёрдам кўрсатаяти. Ҳозирги кунда 150 нафар ходим уларнинг маблаги ҳисобига хизмат қўймоқда. Қолаверса, яна иккита Ленинобод ва Тошкентдаги «Жанубий» шоҳбекатлари ички ишлар бўйимлари ташкил этилди. Худди шунингдек, шу бошқарма ёрдами билан бир қанча темир йўл милиция бинолари таъмирланяпти. Баззиларини esa бутунлай қайта қуриш кўзда тутиляпти.

Хўлас, ҳамкорликда ишлаш натижасида умумий мақсад ўйлида бир мунча муваффакиятлар кўлга киритилоқда.

Амалжон ТОШМАТОВ,
Ўрта Осиё транспорт ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари милиция майори.



Қўлгина жойларда бўлганидек Қарши шаҳрида ҳам кейинги пайтларда ҳар хил мишиш гаплар пайдо бўлиб қолди. Фалончининг ўйига ўтига тушибди, фалончининг машинасини ёқиб юборишибди, деган гаплар аҳоли тинчни бузиб қўйди. Буни дилдан ҳис қилган шаҳар ИИБ ходимлари жиноятчиларни қўлга тушириб, уларни зарарсизлантириш борасида арзигулик ишларни амалга ошироқдалар.

Суратларда: ИИБ терговчиси милиция катта лейтенанти Маҳманизар Равшонов ва тергов бўлинмаси бошлиғи ўринбосари милиция капитани Абдумажид Уролов; ўғрилар ўйидан тошилган ашёвий далиллар.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.



Куни билан забтига олган ҳарорат ҳолсизланмаган кўринади. Одатдагидан ташқари хотиржамлик тифайни нафас ростлаётган навбатчи ташқарида кўп бўлолмади. Телефон қўнғироги уни яна ичкарига тортиди. Ҳозир дастасини кўтариған телефон орқали ўта ташвишил хабар берилишини, у вилоят милициясини оёқка турғазишини билмасди.

— Намангандан вилояти ички ишлар бошқармаси навбатчиси эштади...

Ўзбекистон ССЖ ИИБ навбатчилик қисмидан қабул қилинган маълумот шоша-пиша бошқа телефонга ёпишишга мажбурлади. Автомат билан қуролланган иккى нафар йигит қўшини Тожикистандан

ФАВҚУЛОДДА
ХОДИСА

ҚОРАТОҒДА ҚЎЛГА ОЛИНДИ

юк машинасини олиб қочишиган. Вилоят ИИБ раҳбарлари, барча шаҳар-туман ИИБлари бу ходисадан хабардор этилди. Уларнинг бирни Косонсой шаҳрида яшаганилиги ўтиборга олиниб, вилоят ИИБ жиноят қидириб бўйими бошлиғи милиция майори Қодирхон Мелихонов бошчилигига штаб ва қўлга олиш бўйича 6 та оператив гуруҳ тузилди. Тахликали вазият вужудга келиши мумкинлиги учун «Бонг» таддиири ишга солинди.

Намангандик милиция ходимларини изқуварлик тўғузи алдамаган экан. Косонсой шаҳридаги гумонсирилган ўй

кўздан кечирилганда, айrim нарсалар оидинлашди. У. У. шериги Ф. Р. билан ўйига келиб, ёнига ақаси Ф. У.ни олган. Кейин ўғирланган юк машинасида номаълум тарафга қараб кетган. Изқуварларнинг хавотири ортиди. Қаёққа, нима мақсадда ўйнашди? Кўп микдордаги ўқ ва иккита автомат ишга туширилмайдими? Одамни ўйнаётган саволларга жавоб топишнинг битта йўли бор эди. У ҳам бўлса, қочоқларни қидириб топиш.

Ҳамма йўллар назорат остига қўйилди. Овлоқ жойларни эзак-эзак қилиб текши-

ришга киришилди. Хабар олинига вактдан 4 соату 20 дақиқа ўтганда, улар Қоратоғда машина билан қўлга туширилди. Ёнларидан иккита автомат, 100 дона ўқ, битта мушактўпконча ва дурбин топилиди.

Фавқулодда ҳодиса чоғида юксак касб маҳорати, мардлик ва жасорат кўрсатгани учун Намангандан вилояти милицияси ходимларидан бир гуруҳи жумҳурят ички ишлар вазири буйруғи билан рағбатлантирилди.

Ғайрат ЖУРА.

АЙБИГА
ИҚРОР

Менинг нафсим балодир, ёнган ўтга соладир, деган экан машойхлар. Бу пурхикмат гапнинг маъносини Рапқон матлубот жамиятига қарашли «Болалар дунёси» дўкони мудири Абдуллажон Қўзиев энди чақиапти.

Унинг дўконига ким кирарди дейсиз? Албатта, рапқонликлар — ўзининг қўни-қўшиниларию маҳалла-қўйдагилар. Битта-яримта қўшини қишлоқдан келса келади, бўлмаса йўқ.

Абдуллажон бу ёғини ўшанда ўйламади, бориб бориб ўз юртдошларим ризқини қияманми, демади. Болаларнинг пальтоси, қўлқопи, оёқ кийимлари, костюмлари ва шунга ўхшаш 811 сўмлик молларни яшириб қўйди. Эҳтимол, ўшанда у тансиқ бўлган бу молларни устама нархда пуллашни, мўмайгина даромад ортиришни орзу қилгандир? Агар шундай бўлса, унинг орзуси амалга оширади.

— Мени кечиринглар, деди у Киров тумани ҳалқ судининг очиқ мажлисида.

— Харидор ҳақидан уриб юлиш жиноят экандигини билардим, аммо молларни савдога чиқариб қўймасдан яшириш айб эканлигидан бехабар эдим.

Халиқ суди унинг «содда»-лигини ўзбекистон ССЖ жиноят мажмуаси 1772-моддаси 1-қисмига асосланиб, минг сўм жарима солиш билан баҳолади. Бундан ташқари Абдуллажон савдо соҳасида ишлаш ҳукуқидан маҳрум этилди.

Р. УСМОНОВ.
Фарғона вилояти.

Антиқа текширув

ёки яна сарсон-саргардонлик ҳақида

Рўзноманинг 7 июнь со-
нида «Сарсон-саргардо-
нлик»

номли мақолани ўзга, чудур
ўйга толдим. Дарҳақиқат,
бутунги кунда оддий йўлов-
чиларга ниҳоятда оғир. Мам-
лакатимизда ҳар минг киши-
га 42 та автомобиль тўғри
келади. Бозорда эса нарх-
наво осмонда. Кичин корхона
ёки бирор ширкатда иш-
ламасангиз, машинални бў-
лишини ҳатто орзу қилмай
қўя қолинг. Тинчина жамоат
уловидаги фойдаланганнинг
из маъқул. Аммо... «Сар-
сон-саргардонлик» да айтил-
ганидек, бу ўринда ҳам ечи-
лиши зарур ва айни пайтда
қийин бўлган (эҳтимол, ҳеч
қачон ечилмайдиган) му-
аммолар бор. Ихтимоний жи-
ҳатдан умуман ҳимоя қилин-
маган бечора йўловчи ўз пу-
лига жамоат транспортидан
фойдаланиб, кўзлаган манзили-
га етиб олиши учун соат-
лаб кутиши, ҳайдовчилар-
нинг хурмачага симайдиган
қилиқларига чидаши, ҳақо-
ратларини эштиб, эшитма-
ганга олиши керак. Ҳозирча
бошқа йўл йўқ.

Мен бу сафар Тошкентдан
Улугбек шаҳарчасига қат-
найдиган жамоат уловлари
ҳақида тўхтадомчиман. Бу
йўналиш бўйича Тошкент ер
ости йўлининг М. Горький

ладиган микроавтоус қат-
найди. Лекин унинг на жад-
вали, на иш режими бор.
Баъзан иккичаси қувлаш-
мачоқ йўнагандек орқами-ор-
қа йўлга чиқади, баъзан эса
соатлаб кутишингиз керак.
Йўл ҳақи 60 тийин. Лекин
сиз бир ёки уч сўмлик узати-
нг-чи! Ҳайдовчидан балога
қоласиз. Тўшпа-тўғри 60 тийин
узатишингиз шарт.

Яқинда, яъни 23 июль ку-
ни Тошкент йўловчилар та-
шиш-ишлиб чиқариш бош
бошқармаси маршрут такси-
лари автокорхонаси билан
ҳамкорликда антиқа текши-
рув ўтказди. Ядро физика-
си илмий-текшириш илмогоҳи
бекатида ҳарийб бир соат
давомида офтобда сарғайнб
кутишга мажбур бўлдик.
Йўловчиларни қийнаш ҳисоби-
га ўтказиладиган бу «тек-
шириш»дан мақсад ана шу
уловлар ҳаракатини «янада
яхшилаш» эмиш.

Уша куни эрталаб учта
микроавтобус беш-олти да-
қика фарқ билан юргани
рост. Кейин эса яна «ески
ҳаммом, эски тос» бўлди.
Хўш, бу йўналишда бир кун-
да нечта машина ишга чиқи-
ши керак эди, нечтаси чиқ-
ди? Ана шу саволимизга

мов, маршрут таксилаар ав-
токорхонаси бошлигининг
ўринбосари Сайдмаҳмуд Тон-
ровлардан бирор жўяли жа-
воб ололмадик. Яна бир то-
мони бор. Биргина шу кор-
хонада 18 йўналиш бўйича
диспетчерлар хизмат қилас-
хане. Хўш, уларнинг фаолия-
ти қаочон таҳлил этилади?

Умуман Улугбек шаҳрига
бориб келиш йўғонни чўзил-
тиради, ингичкани узилтира-
ди. Балки маршрутла такси
бўлмаса, оддий автобуслар-
чи, деб сўрасангиз керак?
Янглишасиз, 151-йўналишда-
ги автобуслар фақат йўлжира
олишдагина «тез юар», ас-
лида эса тошбақа ҳам ундан
ўзуб кетади. Чунки унда ҳам
на жадвал, на режим, на
тўхташ бекатларида аниқлик
бор. Ҳайдовчининг қаерда
нунгли тусаса, автобусни
тўхтатади, йўловчиларни
тушириб, чиқараверади. Би-
рор нарса деб юринг-чи!
«Екмаса, такса юринг!»
деган анъанавий жавобни
эштасиз. Инқиlob хиёбони —
Улугбек шаҳри орасида
қатновчи 492-рақамили ав-
тобуслар Тошкент вилояти ав-
токорхонасига қарашли.
Яқинда Инқиlob хиёбони бе-
натида осиглиқ турган ҳара-

кат графиги олиб ташланди.
Бу билан фақат ҳайдовчи-
ларга фойда бўлди, холос.
Хоҳлашса, машинани ўт ол-
диришади, хоҳлашмаса, ўти-
раверишади. Бирор уларнинг
мушугини «пишт» демайли.

Улугбекдаги диспетчерлик
пункти йўналиш охирида
эмас, «Соҳилбўй» деб аталь-
ган жойда. Хўш, нима қи-
либди, дерсиз? Яхшиси, шу
автобусга чиқингда, асабин-
гизни синая кўринг. Улуг-
бек шаҳарчасига борасиз. Бу
ерда ҳайдовчи бир неча муд-
дат тўхтаб, йўловчиларни
олади, кейин уч бекат юриб.
«Соҳилбўй»даги диспет-
черлик пунжтига келади. Бу
ерда офтоб тигида кам де-
гана 20 дақиқа ўтиришингиз
керак. Қиброй автобека-
тида эса яна 5-6 дақиқа тиши-
ни-тишга қўйиб, юзингиздаги
терни артиб ўтиришга маж-
бурсиз. Шу сабабли Улуг-
бек шаҳри ахолиси деярли
бу автобуслардан фойдалан-
майди.

Бу мақолани ёзаётib, ҳар
хил хаёлларга бордим. Айт-
тётгандарим янгилик эмас.
Рўзномаларда кўп ёзилган,
Лекин ҳаммаси фойдасиз қол-
иб кетган. Эҳтимол бу са-
фаргиси ҳам шундай бўлар.
Лекин, нима деймиз, ноумид
шайтон.

Анвар НАЗАРОВ,
УзССЖ ИИВ ДАНВ хо-
дими милиция капитани.

ПАРВАРИШ

Фарзанд!

У Дунёга келиб, «инга-ин-
га»си қулоққа чалинганда,
ота-онанинг нақадар қувони-
шини тасавур эта оласиз-
ми? Буюк баҳтдан энтишиб,
шодиллари муштдек юрак-
ка, ўзлари эса шу кенг ду-
нёга симай қолишиади.
Уларнинг баъзилари бутун
мехр-муҳаббатларини дил-
бандларига бағишилаб, ҳатто-
ки, қўлини совуқ сувга ур-
дирмай катта қилишиади.
Ана шу йиллар давомида бо-
ланинг айтгани-айтган, дега-
ни-деган бўлади.

Баъзилар эса бундан фарқ-
ли ўлароқ фарзанди бўл-
гандарни учун кулишни ҳам,
кўйишини ҳам билмайдилар.
Тақдирлар ҳар хилда. Бун-
дай ҳолда бола умуман ота-
на назоратидан четда ўсади.

Хуллас, Самарқанд вилоя-
ти ички ишлар бошқармаси-
га қарашли балоғатга етма-
ганларни қабул қилиш ва
тақсимлаш муассасасида ҳам
қисқагина кечмиши турли-
турман болаларни кўриш мум-
кин.


Хизматимизнинг мурак-
каблиги ҳам ана шу турли-
турманлика, — дейди шу
муассаса катта тарбиячиси
милиция капитани Нисири
Баротов. — У шунчаки уйи-
дан чиқиб кетганми, ёки бе-
зорилиги учун қочиб юри-
дими, ёки ота-онаси зуғуми-
дан бозор бўлганми — нима
бўлганда ҳам инсон фарзан-
ди. Гўёки ниҳолдай гап. Ша-
мол қайси томонга эсса, шу
томонга эгилади. Шундай
екан, бизнинг вазифамиз уни
турли шамоллардан ҳимоя
этиш. Токи у тўғри, адл бў-
либ ўссин.

1970 йилда Олот туманида
туғилган Зафар Чориқулов,
1981 йилда Самарқанд ша-
рида туғилган Алексей Сам-
сонов, 1981 йилда Каттақўр-
ғон туманида туғилган Бахти-
ёр Санаев шахси аниқланган-
ча шу муассасада бўлишиди.
Кейин ота-оналари бағрига
қайтарилди. Турли сабаблар-
га кўра ота-она меҳридан бе-
насиб бўлган Рустам Сало-
мов ҳунар-техника билим
юртига жойлаширилди.

— Ёш бўлсада, булардан
ҳам чигал тақдир эгалари
бор биздаги болалар ораси-
да, — дейди яна сухбатдо-
шимиз. — 15 ёшли фаро-
налиқ Наргиза Самарқанд
шахрига келиб, бир фуқаро-
нинг уйига ўғирликка туш-
ган, 15 ёшли гўдакнинг би-
либ-билмай қилган жиноятни
ни қандай баҳолаш керак?
Ахир, тўғри йўл тутилса, у
изга тушшиб олиши, акс ҳолда
тажриби ўғри бўлиб ети-
шиши мумкин келажакда.
Мен кўпроқ масаланинг шу
томонларига эътибор бераман.

Ҳа, катта тарбиячи Н. Ба-
ротов ана шундай болажон
инсон. У ҳар қандай ўсмир
тимсолида ҳам бегуноҳ гў-
дакни кўришга ҳаракат қи-
лади.

С. ЗОҲИДОВ.



УзССЖ ИИВ оператив
майлимотларига қараганда
кейинги пайтларда жумҳури-
ятимизда балоғатга етма-
ганларни қарашли бор. Сирдар-
ёва тумани ИИБ ходим-
лари табиатга қирон келтира-
ётганлар билан ҳам кураш
олиб боришишади.

СУРАТЛАРДА: Сирдарё ша-
ҳар ва тумани ИИБ катта участ-
ка вакили милиция капитани
А. Тошпӯлатов тартибга хилоф
равишида балиқ овлаётганини
ушлади; ўғринча ов балиқлари.

Болаларни қарашли боришишади, балоғатга
етманини йўлга яршига тартибга
хилоф равишида олиб юрган, тайёр-
лаган ва тарҷатган шахсларни
бир йилгача озодлиқдан маҳ-
рум қилиш ёки иккича йил
муддатга ахлоқ тузатиш иш-
ларига жалб этиш ёхуд 50
сўмгача миқдорда жарима

ништ мақсадида, батъилари
шунчаки эрмак учун пичоқ,
ханжар, муштлашувда кўл
келадиган бошқа қуролларни
олиб юришиади, Ваҳдолон-
ки, УзССЖ ЖМНинг 210-
моддаси З-бандида совуқ
қуролларни қонунга хилоф
равишида олиб юрган, тайёр-
лаган ва тарҷатган шахсларни
бир йилгача озодлиқдан маҳ-
рум қилиш ёки иккича йил
муддатга ахлоқ тузатиш иш-
ларига жалб этиш ёхуд 50
сўмгача миқдорда жарима

ништ мақсадида, батъилари
шунчаки эрмак учун пичоқ,
ханжар, муштлашувда кўл
келадиган бошқа қуролларни
олиб юришиади, Ваҳдолон-
ки, УзССЖ ЖМНинг 210-
моддаси З-бандида совуқ
қуролларни қонунга хилоф
равишида олиб юрган, тайёр-
лаган ва тарҷатган шахсларни
бир йилгача озодлиқдан маҳ-
рум қилиш ёки иккича йил
муддатга ахлоқ тузатиш иш-
ларига жалб этиш ёхуд 50
сўмгача миқдорда жарима

«БОТИР»ЛИККА ДАЪВОГАРЛАР

нинг тайини йўқ, 1974 йил-
да туғилган А. Отабоев

эканлиги аниқланди.

Наманган вилоятининг
Косонсой посёлкасида ис-
тиқомат қуливлчи 9-синф
ўқувчиси Р. Эшназаров ҳам
фуқаро Б. Абдуллаевни пичоқ
билиш ёки яралаган. Ҳозирги
кунда унга нисбатан жинойи
ништ қўзғатилган.

Кузатишлар шуни кўрса-
талипти, қўпгина ўсмирлар
тengдошлари орасида ўзла-
рини «ботир» қилиб кўрса-

тилаш билан жазоланиши
кўрсатиб қўйилган.

Қонунга мувофиқ агар
улар совуқ қуролларни их-
тиёрий равишида ички ишлар
идоралари топширилган озод
қилинадилар.

Хурматли ўсмирлар, қо-
нунга риоя этинг ва совуқ
қуроллариниз бўлса, ўзин-
гиз яшаб турган жойдаги
ички ишлар идоралари топши-
ринг.

Илҳом ХИЛВАТОВ,
УзССЖ ИИВ ҳуқуқбузар-
ликнинг олдини олиши
бошқармаси бошлиғи ўзин-
гиз подпол-
ковниги.

БУ ҲАҚДА СҮРАГАН ЭДИНГИЗ

Собиқ ССЖИ ички ишлар вазири Н. Шчелоков ҳаётининг сўнгги юради. Асл.

таҳририят ўз ўқувчиларини унинг тақдирни билан танишитирар!

Биз рўзномасевар қизиқишини ҳисобга олиб, «Журналист» ойномасида босилган «Тузум фарзанди» деб номланган мақолани таржима қилдик. Шунингдек, мақолага «Постда» таҳридаги ҳужжатли суратларни

Шчелоковнинг жиноий ҳатти-харакатлари оқибатида давлатга 500 минг сўмдан зиёд зарар етди. Бироқ Шчелоков Брежнев аъёнлари орасида авлиёси ҳисобланмасада, афтидан энг ёмони ҳам эмасди. Уни фош этишга муваффақ бўлинди. Олий нафақали «аъёнлар»нинг айримлари эса қолган умрини қайта қуришни ва унга қўл урган кишини лаънатлаб ўтказишмоқда.



СУРАТДА: Генерал Н. Шчелоков нутқ ироди этмоқда.


Бугун ошкоралик бебаҳо неъмат эканини исботлаб ўтиришга ҳожат бормикан?! У қулоч ёзгани сари сукунат салтанатлари бирин-кетин таназзулга юз тутмоқда ва иллари эл қулогидан пинҳон тутилган маълумотлар рўзнома, ойнома саҳифалари га чиқмоқда. Фақат бир нарса — кетган субтсизлик ва чегара билмаслик кишини ранжитади.

Дарҳақиқат, ҳокимиёттага даҳлдор ёки бу киши шаънгига шуҳрат чўққисига кўтарилган йиллари қанчалик кўп ҳамду сано ўқилган бўлса, энди гўё ўч олияётгандек, шартта-шартта ва қаҳр-газаб билан оплок томонларини йўққа чиқаришмоқда ҳамда қора бўёғни аямай суртишмоқда. Тепадагилар кўрсатмаси билан узоқ вақт лойга чапланганларни эса шошашиша терисини шилгудек юваб тозашмоқда.

Шчелоковни шахс сифатида ўрганишга киришарканман, уни қандай қилиб бўлсада, шармандаи шармисор этиш мақсадини олдимга қўймадим. Шунингдек, унинг қўй оғзидан чўп олмаганинги исботлаш истагидан ҳам йироқ эдим. Бу одамнинг ҳаётни ва фаолияти ҳақида ҳақиқий манзарани тиклашни хоҳлардим, чунки унинг мисолида бўйруқбозлик-маъмурий системаси баъзи қонуниятларини, тўғрироги, системанинг чиришини, тақдирни ҳал бўлганини, қулашини кўрсатни мумкин ёди.

Нохолис баҳога йўл қўймаслик мақсадиди ССЖИ Бош прокурорининг ўринбосари — Бош ҳарбий прокурор адлия генерал-майори А. Катусев билан учрашдим. Шчелоков хизматда содир этган сунистеъмолликларни ўша лайтда текширгани учун ундан далилларни, шунингдек, ўзим чиқарган хуносаларни шарҳлаб беришни сўрадим.

тузум



фарзанди

маҳаллий саноати вазирининг ўринбосари этиб тайинланганман, 1947-1951 йиллари Украина КП(б) МҚ котиби ўринбосари, саноат бўлими мудири, 1951-1966 йиллари Молдавия ССЖ Вазирлар Кенгаси Раиси ўринбосари, МССЖ Халиқ Ҳўжалиги Кенгаси раиси бўлдим. 1966 йил марта Молдавия Компартияси МҚ иккичи котиби этиб сайландим.

1966 йил 17 сентябрьда ССЖИ Олий Кенгаси Ҳайъати Фармони билан ССЖИ жамоати тартибини саклаш вазирлигига тайинландим. 1968 йил 25 январидан ССЖИ ички ишлар вазири бўлдим. 1983 йил декабридан ССЖИ мудофаа вазирлиги бош инспекторлари Гурӯҳининг маслаҳатчиси — Ҳарбий инспекторман.

Меҳнат фаолиятим давомида фирқанинг XXIII, XXIV, XXV, XXVI курултойларига вакил бўлдим. 1966 йили КПСС МҚ аъзолигига номзодликка, 1968 йили эса КПСС МҚ аъзолигига сайландим. 1954 йилдан бўён ССЖИ Олий Кенгаси ноибиман, ССЖИнинг тўртла Ленин ордени, Октябр Инқилоби, II даражали Богдан Хмельницкий, I даражали Ватан уруши, Меҳнат Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз орденлари ва медаллари, шунингдек, қардоп социалистик мамлакатларнинг орден ва медаллари билан тақдирланганман.

1980 йили Совет давлати олдиндаги катта хизматларим ва етмиш ёшга тўлшиним муносабати билан ССЖИ Олий Кенгаси Ҳайъати меига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берди. Молдавия ССЖ иктисодиётини ривожлантириши бўйича қатор тадқиқотларим учун менга 1978 йили иктиносид фанлари доктори илмий унвони берилди...»

Синчков ўқувчилар иккита муҳим нарсани сезмасдан қолмасалар керак. Биринчидан, таржима ҳол Шчелоков ички ишлар вазири лавозимидан тушгандан котиби яхин, ёши улуг пайтда ёзилган, у босис ўтилган шонли ўйлига ўтирилиб боқаётгандай туолади. Иккинчидан, Шчелоков ва Брежневнинг ҳаёт сўқмоқлари илк бор 1939 йили Брежнев Днепропетровск вилоятини фирқа қўмитаси котиби бўлганида кесишган. Ва уларнинг метин итифоқи 40 йилдан кўпроқ сақланди. Уруш уларни тўрт йилга ажратди, бироқ 1945 йилда ёна бирга бўлишни ҳам борки, бу топиши тасодифий ҳолат тақозоси эмас.

Мана Совет Қўшини Бош сиёсий бошқармаси ҳужжатидан кўчирма: «... Карпатбўйи ҳарбий мавзузеси (ХМ) сиёсий бошқармаси бошлиги ўрт. Брежнев ўрт. Шчелоковни мавзе интендантининг сиёсий қисм бўйича ўринбосарлигига тайинлашини сўрайди».

(1945 йил 17 сентябрь кунги 10-рақамли телеграммадан.)

Брежнев илтимоси ерда қолмади, шундан сўнг яна бир тавсиянома дунёга келди: «Карпатбўйи ҲМ Ҳарбий Кенгаси аъзоси ўрт. Мехлис ва сиёсий бошқармаси бошлиги ўрт. Брежнев 1945 йил 15 декабрида телеграммада ўрт. Шчелоковни Карпатбўйи ҲМ сиёсий бошқармаси ҳузуридаги фирқа комиссияси масъул котиблигига тайинлашини сўрашган...»

К. СТОЛЯРОВ.

(Давоми бор).



СУРАТДА: Л. Брежнев ички ишлар вазири генерал Н. Шчелоковга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини топшираётган пайти.

ТИЛИ БИЛАН ФАХРЛАНСИН

Мақсадимни очиқроқ баён қилишдан аввал биргалишиб мозийга — тилемиз тарихига бир назар ташлайлики.

Маълумки, ўзбек адабий тили, бошча туркӣ тиллар қатори, ўз тарихин эрамизнинг VI-VIII асарларидан бошлайди. Умумхалқ ўзбек тарихининг тарихи эса бундан ҳам чуқурроқ илдиз отган. Бизгача урхун-енисей, уйғур, сўғд, моний, брахма, кейинроқ араб ёзувида битилган кўплаб туркӣ ёзма ёдгорликлар етиб келган. Улар ҳалқимиз тарихининг турли даврлари га мансуб.

Эрамизнинг илк асрларидан бошлаб яшаб келаётган тилемиз ўша даврларда қандай бўлгану ҳозирда қандай? Унинг жарандорлиги, тиниқлиги, нағислиги ҳамон сақланиб келаётими? Қуидаги ёзма мулоқотимиз ана шу ҳақда бўлади.

Биз юқорида санаб ўтган битигларни ўқиб-ўрганар эканмиз, уларнинг ҳатто энг кўхналари ҳам туркiji тилнинг нақадар мукаммалигини, тараққий этган тил бўлганинг кўрсатиб турди. У бир неча юз йиллар давомида такомиллашиб, сайқаллашиб келди. XI асрнинг буюк обидлари — Юсуф Ҳос Ҳожибининг ўн уч минг мисрадан зиёдроқ «Қутадгу билиг» достони ва улуғ тилшунос Маҳмуд Қошгарийининг «Девону лугатит турк» асанни ўқиганимизда туркӣ тилнинг бойлиги яққол кўринади. Ҳазрат Алишер Навоий ўз асрларида йигирма олти мингдан ортиқ сўз кўллашади. Бу билан унафақат туркигўй, балки жаҳон классикларидан ҳам ўзиб кетди. Лекин Навоидек «малику-л-калом» ҳам тилдаги барча сўзлардан тўлалигича фойдаланган, деб бўлмайди. Фақат у ҳар бир сўзининг қадрини, ўрнини унутмаган ҳолда ишлатди.

Ўтмишда шундай улуғ саналган тилемиз бугунги пайта келиб талабларимизга тўла жавоб беради. Сабабчиси эса — ўзимиз: тил бойлигидан фойдаланиш ўрнига бошқа тиллардан сўзлар ўзлаштирилди, бир сўзни ўзбек тилига ўтирганда қовушма-

ган ибораларни кўлладик ёки ўзимизча янги сўз ясай бошладик. Бундай сунъийлик, албатта, тилнинг ўзига хос қонунларини, унинг имкониятини тўғри англай олмасликдан келиб чиқади. Чунки барча тилларда бўлгани каби, ўзбек тилининг ҳам ўз қонун-қоидалари бор. Ўзга тилларга хос хусусиятни ўзбек тилига сингдириш унинг миллийлигига пуртетказди. Шунинг учун тилни бойитишнинг ички имкониятларини қидириш керак бўлади.

Кексаларимиз сўзларига қулоқ тутайлик, косибчилик, ямоқчилик, тиқувчилик каби сўзларни ишлатишади. Энди ҳозирги кунда устахоналар пешидаги айрим лавҳаларга ётибор беринг: «Пойафзал тўйлаш устахонаси» (ремонт обуви). «Кийим ти-

рабчасини кўллаш билан тил миллийлашиб қолмайди. Араб-форс тилларидан кирган сўзларнинг ҳаммасини ҳам ҳалқ кўлларемайди. Агар улар асрлар давомида қўлланилиб келинаётган бўлса, йўриги бошқа. Туркӣларга туркона сўз топмоқ лозим. Ҳаракатни билдирувчи «уч» сўзидан учуқ ёки учқуч сўзи ясаб, «самолёт» маъносидан ишлатилса, «аэропорт»ни қўналга дейилса, тил табиатига анча мослашади. Навоий тилда қўналға сўзи «куш қўнадиган жой», умуман «қўнап ер» маъносидан келган.

Ўзбек адабий тилини бойитишнинг муҳим йўлларидан яна бир ёзма ёдгорликлар ёки шевалардан фойдаланишади. Аждодларимиз қўллаган сўзларнинг маълум гурухи ҳозир истеъмолдан

ЎТМИШСИЗ АВЛОД— КЕЛАЖАКСИЗ НАСЛ

киш устахонаси» (ателье мод). Тил табиатига мос келмайдига бу каби ўтиришлар фализ жумлаларни қўпайтиришдан бошқа нарса эмас.

Ўрисча «аренда» сўзи ижара, деб таржима қилинди. «Кредит» сўзининг ўрнида ҳам шу сўз ишлатилмоқда. Бинобарин, «кредит»га мос келувчи берим ёки насия деган чиройли сўзларимиз бор. Шунга ўхашаш «трикотаж» ўрнида тўқима, «белье» ўрнида ичким сўзларини бемалол қўллашади.

Тилда маълум сўзни янги маънода қўллашнинг ҳам аҳамияти катта. Масалан, трамвай-троллейбуслардаги компостер ўрнида чакич сўзини қўлласа бўлади. Чунки троллейбусда (трамвайдаги): «Мана бу паттани чакичлаб юборинг», — дейилганда, асло нон чакич хаёлга келмайди. Бу билан бир сўзга қўшимча маъно юклаган бўламиш (чакич — нон чакич, чакич — компостер).

Сўнгги кезларда, ҳатто матбуотда, «самолёт»ни тайёра, «аэропорт»ни тайёраго деб ўтирилмоқда. Бу сўзлар асли арабча. Оврўпо тилларидан кирган сўзни чиқариб ташлаб. ўрнига


чиқсан. Айни пайтда ҳали шевалариди яшаб келаётли. Биз дадиллик билан уларни тикламогимиз даркор. Отабоболаримиз қўллаган экан, демак улар бизнинг ҳам сўзимиз, уларда сунъийлик, ясамалик йўқ. Унумаслик кераки, ҳар бир сўзда ҳалқнинг тарихи, маданий ижтимоий ҳаёти аж этган бўлади.

Ҳозирги тилемиздаги ўзлашган сиёсий атамаларнинг ҳам қадимда чиройли туркона номлари бўлган. Бу сўзлар истеъмолдан чиқсан. Аммо қайта қўллай бошласақ, ўйлайманки тилимизга тезда синтиб кетади. Чунки улар туркона, талаффузимизга мос, нафис сўзларидан.

Түгрор (тугро) сўзи қадимда «герб» сўзи ўрнида қўлланилган. Ёки «конституция» — бош тўру (асосий қонун), «кодекс» — ўнгди тўру (қонун-қонда), «фармон» — ёрлик, «амнистия» — ёрлиғагу, «гимн» — олдишилов каби сўзларни ўз ўрнига қайтариши энг мақбул ишлардан бириди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан сўнгги ўтган вақтга бир назар ташлайлик. Жой номлари, дўкони пешлавҳалари, ҳужжат

ЭРТАГА — ФИЗКУЛЬТУРАЧИЛАР КУНИ.



Улар ёз осмонида баҳор чақмогидай ялт этиб сўнниди. Улар билан бирга ишиқбозларнинг нене орзу-умидлари чилпарчин бўлмади, дейисиз. 1978 йилги «Пахтакор». Эртага ундан акрапаганимизга роппа-роса 13 йил тўлади. Бироқ маҳорати билан дилларни мафтун этган починлар

номини вақт мухлислар қалбидан ўчиришга оқиз.

СУРАТДА: 1978 йилги «Пахтакор» жамоасига ўрнатилган ёдгорлик.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

ларида қўлланилаётган сўзларга ётибор берсангиз, уларни давлат тилида ёзилганлигига ҳам ишонмай қоласиз. Тилемиз сандиги худди атторнинг қутисига ўхшаб қолгандек. Қаранг: ўрисча «район» сўзи ўрнида «смана мен» деб туман сўзи порлаб турса-ю, биз уни эмас, ноҳия сўзини танлассак! «Область» ўрнига туманот «узука кўздеқ» бўлиб тушса-ю, биз вилоятни қўлласак!

«Квартал»га ўрам мос тушса-ю, худди аттайлаб қиласиётгандек мавзени тиқишитирсан! Бу билан тилни миллийлаштириш ўрнига қориши қилга айтлантириб ўйни музик! Умуман, ўрисча-оврупча атамалар ўрнида қўллаш мумкин бўлган сўзлар етарли. Қуйидан ана шундай сўзлардан мисоллар келтироқчиман:

тузук, тўру — қонун ўрду — қароргоҳ, штаб, резиденция

кенгашчи — советник, маслачатчи

айтгучи — консультант

тўручи — юрист

ятақ — телохранитель

тануқ — гувоҳ

улгу — шартнома, контракт

ёзиг, билдиргулик — расмий хат, послание

тангулук, нишан — гувоҳнома

тутусуғ, қумару — васиятнома

бош битиг — асосий ҳужжат

чи битиг — оригинал

девоиҳона — канцелярия

солиқ, бергу — налог

ўтну — ссуда

ула — йўл белгиси

им — пароль

юргути — парад

қора ёғ — нефт ва ҳоказо.

Ҳозир биз учун энг асосий-сунъийликтан қочиш, ўзга тил қолипида янги сўз яшаш тилемиздаги бойитмаслигини ўз вақтида англаб этиш. Келинг, тилнинг ички имкониятларини қидирайлик, ҳали шеваларига мурожаат этайлик, ёзма ёдгорликларни вақталийлик, пешонадан тер сидирайлик! Фақат бир мақсадни — ОНА тилемизнинг бегуборлигини, гўзллигини, соғлигини сақлаб қолишини олдимизга ўйяйлик. Токим, келажак авлод ўз миллати, элати, тили билан фахрланадиган бўлсин!

Қосимжон СОДИҚОВ.

ҚУВОНЧ УЗОҚКА ЧЎЗИЛМАДИ

«Пахтакор»нинг сафардаги ғалабаси ишиқбозларнинг умид учкунини алгангалтган экан. Кийин ўрнини тарк этаётган командасининг нахбатдаги муваффақиятига ишонганилар адашишгани ўйиннинг дастлабки дақиқаларидаёт билинди.

«Пахтакор»нинг сусткашлигидан фойдаланган «Динамо» (Москва) командаси футбольчилари ташаббусни ўз қўлларига олиб, 21-дақиқада ҳисобни очишиди. Иккинчи бўлимда ҳам манзара ўзгармади. Мезбонларнинг самарасиз, палапартиш ҳужумини осонликча даф этаётган меҳмонлар 71-дақиқада иккинчи тўпни уришиди. Ўйиннинг оҳирги дақиқасида Мәъруфалиев киритган тўп мағлубиятдан қутқариб қоломлади.

З. СОДИҚҲУЖАЕВ.

АКС-САДО

«ДИЛФУЗА НЕГА СЕВГИМНИ РАД ЭТДИ?»

Равшанинг дил изтиробларини ўқидим-у, қаттиқ ҳаяжонландим. Майли, қиз уни севадими-йўқми, бу унинг қалбига ҳавола. Менга таъсир қилгани қаёқдаги латта-путта ёки атиф, ула-элик учун туппа-тузук қизларимиз ўзини сотиб, турли хорижликлар кетидан эргашим юрибдишлар. Кошкыйди бу муҳаббат бўлса!

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқсанда, бу водийлик, бу воҳалик, бу Ҳоразмидан, бу Қашқадарёдан деб ажратишлар нақадар калтабинлик. Ташиб кўрилинидан соддароқ ва ҳаёлироқ бўлган қиз-йигитларни кўрсан, қишлоқи деб кулализмиз. Накотки, шу кулагимиз ўринли бўлса? Йўқ. Бугун бутун ўзбек аҳлининг фахрига айланган Амир Темур ҳазратлари ҳам Тошкентда эмас, Кеш (Шаҳрисабзда) дунёга келганлар. У зоти шарифнинг оқилю фозил авлодлари — Мирзо Улугбек, Бобур, Мироншоҳ, Бойсунғур Мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Абулқосим Бобур, Ҳумоюншоҳ, Гулбадонбеким, Оға Беги хоним, Жалолиддин Акбаршоҳ ва яна ўнлаб оламга донги кетган улуғлар ҳам ўзбекистон пойтахтида таваллуд топмагандар. Лекин биз, тошкентликлар, фақатгина ўзбек бўлганимиз ууңгина ўша ажадодларимиз билан дунё аҳли олдида кўйрак кериб юрибмиз-ку! Ҳеч бир мамлакатда сен тошкентликсан, соҳибкорон Темур шаҳрисабзлик, деб бизни камситмаятилар. Араб ва турк мамлакатларида Исмоил Бухорий авлодлари, деб ўзбекларга сиғинишгача бориб етмоқдалар.

Насл-насаб ажратишлар келсақ, бу ажадодларга хос одат. Ети пуштени суршитириб-ўрганиб, кейин куда-анде тутин-гандар. Равшан — исмига кўра «бекзода»ларданга ўхшайди. Дилфуз, сиз қайси пуштданисиз? Ҳўжами, хонми, бекми, оддий фуқароми? Балки сайд авлодидандирсиз? Ниша бўлганда ҳам, қиз бола сал камисуқм бўлгани маъқул.

Соҳибкорон Амир Темур ҳазратлари ўтизга яқин мамлакатни бошқарбонлар, лекин ХОНлик увонидан воз кечганлар. Сабаби — у зоти олийнинг боболари ҳам АМИР—ҳарбий лашкарбонларни увони билан чегараланган экан. Ана камтарлик! У кишининг олдида сизу биз киммиз, Дилфуз?

Дилфуз аслимли қизларни танимасам-бilmасам ҳам, уларни жуда назокатли бўлишса керак, деб ўйлайман. Лекин Равшанинни қишлоқи дебсиз. Ана шу калондимоғлигининг туфайли тасаввуримдаги чехрангизга доф тушди. Афсус...

Дилмурод САЙДОВ, журналист.

Азиз Равшан! Сиз ҳеч қадор ҳафта бўлмай, тушканда тушманг! Аксинча, севгингизни ҳадраламайдиган Дилфуздан нафрлатсангиз арзиди.